

МАҲБУБА ХОЛОВА

# СИНОВ

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2011

**УДК: 821.512.133 – 3**

**ББК: 84(5Ўзб)7**

**X–70**

**Холова М.** Синов. / Ҳикоялар. –Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – 196 б.

**ISBN 978-9943-08-711-8**

Инсонга умр бир марта берилади. Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси, ҳар бир куни – синов. Ҳар дақиқа, ҳар соат инсонни имтиҳон қилаётгандек бўлади. Бир сония ичида тақдирингиз қай томонга ўзгариб кетаётганини, бошингизга қандай кун тушишини билмайсиз.

Бахт, омад, муҳаббат, мансаб, ғам-қайғу – барча-барчаси бизни доимий имтиҳондан ўтказиб боради. Бахт, омад кулганда, бойлик, мансабга эга бўлганда ўзини йўқотмайдиган, бошга ташвиш-алам тушганда сабр-бардош қиладиганлар ҳаёт имтиҳонларидан яхши ўтиб, комилликка эришадилар.

Бу китобдаги ҳикояларда ҳаётнинг ана шундай чигал синовлари ҳақида ҳикоя қилинади.

**УДК: 821.512.133 – 3**

**ББК: 84(5Ўзб)7**

ISBN 978-9943-08-711-8

© Маҳбуба Холова, «Синов». «Янги аср авлоди», 2011 йил.

## СИНОВ

Тоғлар орасидаги жарликдан навнихол бир қизнинг топилиши прокуратура терговчиси Самад Мансуровни яна тик оёққа қўйди. Экспертлар, милиция ходимлари билан биргаликда атрофни синчиклаб кузатишди. Яқинда жойлашган оромгоҳда дам олувчилардан анчагинаси келганлиги учун оёқ изларини аниқлаш қийин кечди. Қизнинг қўл-оёқлари шилинган ва кўкарган бўлишига қарамай гўзал чехрасига озор етмаганди. Худди хотиржам ухлаб ётгандай таассурот қолдирарди. Пардози кетмаган юзига қараб учрашувга чиққанмикин, деб ўйлаш мумкин эди.

— Бу ўз жонига суиқасдга ўхшайди, — деди милиционерлардан бири.

— Ўзимни ўлдирганимни ҳеч ким билмасин, деб жарликка ташлаган бўлиши мумкин... — тахминга қўшилди иккинчиси.

— Ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган одам ҳафсала билан қош-кўзини бўяб келадими? — уларнинг гумонларига қўшилмади Мансуров.

— Азроилга чиройли кўринмоқчи бўлгандир-да... — ўзича ҳазил қилмоқчи бўлди ёш милиционер.

— Йигитлар, ҳазилнинг ўрни эмас. Ҳали ҳаммаси маълум бўлади. Экспертиза ўтсин-чи нима гаплигини аниқлаймиз, — деди эксперт Болта Жалилов.

— Жони узилибдими? Қачон ўлган экан? — дея ундан сўради Мансуров.

— Бунни текширишдан кейин айтаман, ҳозирча тириклик нишонаси кўринмаяпти-ку!

«Бу қиз ким? қайси шўрпешона ота-онанинг фарзанди? Унга нима бўлган? Бу ерга ким билан келган?» деган саволлар Мансуровнинг миясига ўрнашиб, тинчлик бермаётган эди.

Рашиданинг ҳис-туйғулари қалбига сифмас, у севиб қолганди. Севганда ҳам ақлу ҳушидан айрилар даражада, бутун қалбини бериб, кўнги қўйганди. «Мен уни қанчалик яхши кўрсам, у ҳам мени шунчалик севади» деб ишонарди.

У эндигина ўн еттига тўлган содда қиз бўлиб, холасининг бозорда жойлашган газлама дўконига сотувчилик қиларди.

Рашида дуркун, буғдойранг лўппи юзи жозибали, қалин қора сочлари белига тушган, хушмуомала қиз бўлганлиги учун унинг ошиқлари анча кўп бўлиб, айрим йигитлар шунчаки уни гапга солиш ниятида дўконга кириб, қизга яхши кўриниш учун зарур бўлмаган нарсаларни ҳам савдо қилиб кетардилар.

Ҳаёли, оғир, босиқ қиз уларнинг хушмуомалаларига парво қилмасди. Мақсади — холасининг ишончини оқлаш, рўзғор тортишда онасига ёрдам бериш, ўзига сеп йиғиш эди. У отадан эрта етим қолиб, анча қийинчиликлар кўриб, кўнгли ўқсиб улғайганди. Ҳаливери турмушга чиқишни истамас, икки-уч йил ишлаб, оила иқтисодини тиклашга ёрдамлашиб, кейин ўз бахтини топмоқчи эди. Аммо кўнгилга буйруқ бериб бўлмас экан. Қўшни дўкон соҳиби Умид билан ихтиёрсиз иноқ бўлиб қолди.

Улар авваллари шунчаки саломлашишарди-ю, ҳеч қачон суҳбатлашмаган эдилар. Бир куни дўконда ўрта ёшли аёл кириб, помбарх харид қилмоқчи бўлди. Матодан бор-йўғи уч метр қолган экан.

— Мен шундан яна бўлса қизларимга ҳам олмоқчи эдим. Мен кийсам қизларимнинг ҳаваси келиши мумкин... — деди аёл.

Рашида ўйланиб қолди. Шу матодан холасининг уйида яна бир тўп кўргандай бўлувди. Қани энди телефон бўлса-ю холасидан сўраса... қўшни дўконда телефон бормикан?

— Кутиб туринг, ҳозир телефон қилиб, сўраб билман, — дея қиз шу хаёлда шошиб, қўшни дўконга кет-

ди. Умид дўконда ёлғиз, ҳисоб-китоб қилиб ўтирган экан.

— Ассалому алайкум. Кечирасиз, телефонларингиз борми? — деб сўради қиз ундан.

— Ҳа, соткам бор, — дея йигит белидаги камарига илдириб қўйган қўл телефонини узатди.

— Бунинг пули қиммат бўлади-да, — деди қиз хижолат бўлиб.

Умид уни анчадан буён кузатиб, «дўмбоқча» экан, деб кўнгли кетиб юрганлиги учун фурсатни қўлдан бой бермай хушомадга ўтди:

— Қиммат бўлса бўлаверсин! Сиздай яхши қиз учун жонимни ҳам аямайман!

Рашида бу гапдан қизариб кетди. Нима дейишни билмай беихтиёр телефонни олиб рақамларни терди. Жавоб бўлмади.

— Уйда ҳеч ким йўқ шекилли... Раҳмат, — деб телефонни қайта узатди.

— Нима керак эди, эҳтимол ёрдамим тегар? — қизнинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қиларди Умид.

— Помбарх керак эди... Бир аёл кўпроқ оламан, деяпти...

— Қаранг-чи, эҳтимол бизда бордир...

Рашида қатор осиб қўйилган матоларга қаради. Худди ўша помбархдан уларда ҳам бор экан.

— Мана шундан сўраяпти, — деб кўрсатди у.

Умид чаққонлик билан матони йиғиб олиб, қизга узатди.

— Мана қанча керак бўлса ўлчаб беринг, манга кейин қайтарасиз...

Қиз бу «ҳотамтойлик»дан ҳайрон бўлди.

— Бундан уйда қолмаган бўлса-чи?

— Парво қилманг! Мендан сизга совға бўлади.

— Йўғ-е. Бунақа совғани ололмайман! — рад этди у.

— Унда сотиб олган нархимни берсангиз бўлди. Олаверинг! Ахир сизнинг ҳам фойдангиз тегиб қолар... — деб, Умид қизни қўярга-қўймай матони тутқазди.

Умидларнинг бундан бошқа ҳам бир неча дўконлари бўлиб, тадбиркорликдан яхши фойда кўришган, шаҳарнинг «янги бой»ларидан эдилар. Умид йигирма икки ёшга тўлган бўлиб, мактаб давридан буён ўзи айтгандай, анча қизларнинг бошини айлантирганди. «Бирор қиз ёқиб қолдими, илинтирмасам қўймайман!» дерди у ўртоқларига мақтаниб. Ҳақиқатдан бойликка ўч кўпгина қизлар унинг данғиллама икки қаватли ҳовлиси, қатор дўконлари, янги «Нексия» машинаси учун ҳам жон-жон деб унга турмушга чиқишга рози эдилар. Бунинг устига йигитнинг қадди-қомати ҳам чакки эмасди. Ёлғиз ўғилларининг саломатлигига катта эътибор берадиган ота-онаси уни болаликдан спорт клубига қўйишган, ҳалигача машғулотга қатнаб, соатлаб шуғулланарди. Шу боис елкари кенг, билаклари йўғон, бўйи баланд йигит бўлиб, қимматбаҳо кийимлари бу гавдасига ярашиб турарди.

Кўпгина қизлар унга мафтун эдилар. Аммо Умид уларнинг бирортасини ҳам чин кўнгилдан севмас, кўпинча эрмак қилиб ташлаб кетарди. Рашида унга умуман эътибор бермагани учун қизиқиб қолганди.

«Бу анча мағрур қизга ўхшайди. Қанчалик ғурури баланд бўлмасин мен шундай қиламанки, тўрга тушган балиқдай питирлаб қолади». У ана шундай хаёллар билан юрганида Рашида ўз оёғи билан кириб келди. Шу баҳонада йигит унинг қалбига йўл излай бошлади ва кўп ўтмай бунга эришди. Ота меҳрига зор ўсган қиз унинг ғамхўрликларини самимий, деб қабул қилди, ишонди. Ўша куни помбархни холасидан олиб, тўлатўкис қайтарган бўлса-да, йигитдан жуда миннатдор бўлиб қолди. У «қандай очиқкўнгил, сахий йигит экан. Мен бўлсам уни кеккайган деб ўйлардим», деган фикрга бориб, жилмайиб қўярди.

Шу-шу иноқлашиб кетишди. Умид ҳар нарсани баҳона қилиб, Рашиданинг олдига келар, қиз уни кўриши билан қувониб кетарди. Йигит гоҳ музқаймоқ, гоҳ ширинлик келтирар, Рашидани тушда бирга овқатланишга

таклиф қиларди. Ораларидаги фарқ анча катта бўлганлиги учун қиз ундан бошида тортиниб юрган бўлса-да, кейинчалик уни кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Бирга овқатланган кунлари ундан бахтиёр одам йўқ эди. Умид уни машинасида уйгача кузатиб қўяркан, тун билан унинг кўркам қиёфаси кўз олдидан кетмасди. Эрта тонгдан уни соғиниб, ишга югурарди. Бу икковининг муносабатларини кузатиб юрган рўпарадаги чинни сотувчи Мухлиса Рашидани чақириб танбеҳ берди:

— Умид билан апоқ-чапоқ бўлиб қолибсанми? Ҳушёр бўл! У сани тенгинг эмас. Умид жуда шайтон йигит! Аҳмоқ қилиб кетмасин тагин!

— Йўғ-е, Умиджон ака унақа йигит эмаслар. Мен бундай яхши йигитни биринчи кўришим... — дея қизариб эътироз билдирди қиз. У камбағал оилада ўсган, етишмовчилик туфайли уйдан ташқарига чиқишга кўпам имконияти бўлмаганлиги туфайли анча одамови эди. Эндиликда уни ҳар нарса ҳайратга солар, бирор қизиқ нарсани кўрса лол қолиб, зўр экан, бунақасини биринчи кўришим, деб қўярди.

«Умиджон» деб ихлос билан гапиришидан бечоранинг юрагидан урибди, у шайтон буни бир балога гирифтор қилмасайди, деган хаёлга бориб уни огоҳлантирди:

— Рашида, сан мани қизим тенгисан! Бу ерга яқинда келдинг. Умидни билмайсан! У кўп қизларни лақиллатиб юради. Сан ҳам ўшаларнинг қаторига қўшилиб қолма дейман-да...

Қиз, хўп, деб кетган бўлса-да, бу гапларга асло ишонмади. Бўлмаган гап. Умиджон акам унақалардан эмас! У киши қилган меҳрибончиликларини менга ҳеч ким қилган эмас, дея ўйлаб, ўз билганидан қолмади. 8 март байрамида йигит бир кўйлаклик помбарх ва атир совға қилгандан кейин унга ишончи янада ортди.

— Вой, бунча чиройли. Бунақасини биринчи кўришим! — деди қувониб қиз чиройли гуллари атрофида зар тикилган матони кўриб.

— Сизга жуда ярашади, — хушомад қилди йигит.

— Раҳмат!

— Қани елкангизга ташлаб кўрайлик-чи, — Умид матони очиб, қизнинг елкасига ёпди-да шу баҳонада уни кучоқлаб, «табриклайман! Муборак бўлсин», — дея ўпа бошлади. Қалби энтикиб, ҳаяжонга тушган қиз дир-дир титрар, уни итаришга куч тополмасди. Йигитдан келаётган француз атирининг ҳиди, бошини айлантирди, қўл-оёқларидан мадор кетгандек бўлди.

Сира қаршилик қилмади. Қушча тузоғимга тушибди. Энди кўркмай ҳаракат қилаверсам бўлади, деб ўйлади йигит мамнун. Қизнинг соддалиги, бирор яхши нарса-ни кўрганда, вой, бунақасини биринчи кўришим, деб ҳайратланиши завқини келтирарди. Машинасига биринчи марта минганда, вой, бунча зўр машинангиз, бунақасини биринчи кўришим, дея ёш боладай қувонгани ҳали ёдида. У қизни янада лол қолдириш мақсадида бир оқшом уйларига олиб борди. Рашидани кузатиб қўяётганди, уйда пулим қолибди, биттасига беришим керак эди, кириб олиб чиқай, деб машина рулини чапга бурди.

— Уйларингиз узоқ эмасми? Кеч қолсам онам хавотир оладилар... — деди ийманиб Рашида.

— Йўқ, яқин, дарров қайтамыз.

Машина икки қаватли, данғиллама ҳовли олдида тўхтади.

— Нега бу ерда тўхтадик? Бу чиройли бино боғча-микан ёки мактабми? — деган фикр ўтди қиз хаёлидан. Умид тушиб, машина эшигини очди.

— Тушинг, бир чашкадан кофе ичиб кетамиз, — деди Умид. Қиз бу унинг уйи эканлигини англаб, ҳайратда қолди.

— Йўқ, кечга қолиб кетаман, — рад этди қиз.

— Кеч қолмайсиз, тушинг, уйда ҳеч ким йўқ, онам тўйга кетишган, синглим тренировкада, — дея қиз қўлидан тортди Умид. Рашида унга эргашиб, ҳовлига кираркан, ичкарида кўрганлари уни янада ҳайратга солди. Кенг супага мрамар ётқизилган, ўртада чиройли



ҳовуз, эшик-деразаларнинг ҳам энг қиммат ёғочдан ясалгани кўришиб турибди.

— Бу меҳмонхона, — таништирди ёруғ хона эшигини очиб Умид.

Деворлардаги ганжкори нақшлар, шифтдаги биллур қандил, ҳозир фабрикадан келтирилгандек янги гиламлар, қават-қават қимматбаҳо пардалар — ҳаммаси уйга беқиёс улувворлик бериб турарди.

— Хўш қалай? — дея сўради Умид гердайиб.

— Бунақа ажойиб уйни биринчи кўришим! Бундай ҳовлилар фақат ҳинд киноларида бўлади, деб ўйлардим.

— Юринг энди ошхонага ўтамиз, — деб йўл бошлади у. Ошхона ҳам кенг ва ёруғ бўлиб, иккига бўлинган, бир қисмига овқат тайёрланиб, иккинчи томонида овқатланишга мослаштирилганди. Бутун деворни эгаллаган ойнаванд шкаф ичи асл чинни ва биллур идишлар билан тўлалиги кўришиб турарди. Ўртадаги катта столда ширинликлар, мевалар қўйилганди.

— Ўтиринг, олинг ширинликлардан, — деди Умид.

Рашида анграйганча ўтирди. Умид газни бураган эди, лов этиб ёнди.

— Вой, гугуртсиз ёқдингизми? Бунақасини биринчи кўришим.

— Ҳа, бу токка уланган. Анча қиммат туради. Бирор нима еймизми? — дея бўйи баробар музлатгич эшигини очди Умид. Унинг ичи колбаса, сосиска, қазӣ, сариёғ, яна Рашида ҳеч қачон татиб кўрмаган чиройли қутичалардаги ширинликлар билан тўла эди.

— Йўқ, кетамиз, кеч бўляпти.

— Аввал кофе ичамиз... кейин, — Умид шкафни очиб, чиройли идишларни олиб, қаҳва тайёрлади.

Рашида ундан бир-икки ҳўплаб ўрнидан турди.

— Ҳали ётоқхоналарни кўрмадингиз-ку, юринг.

Қиз унинг сўзини қайтаролмай, эргашди. Дарвоза-хонадан атрофига мармар қуббали панжара қилинган зинадан иккинчи қаватга кўтарилдилар. Олди айлана айвонлардан қатор хоналарга кириларди.

— Бу ерда тўртта ётоқхона жойлашган. Мана бу дадам-ойимнинг ётоқлари, — деб эшикни очди Умид. — Румынский гарнитур қўйилган. Бунақасини биринчи кўришингизми? — дея қизнинг одатланиб қолган гапини эслатди у.

— Ҳа, ҳақиқатдан ажойиб экан! — тан олди қиз. — Биринчи кўришим...

— Бу синглимнинг хонаси, — таништиришда давом этди Умид. Бу ердаги жиҳозлар ҳам чет элники бўлиб, фақат дивани кичикроқ эди.

— Мана энди каминаю камтариннинг ётоқхоналарига етиб келдик. Менга иккита хона берилган. Биласизми нима учун?

— Йўқ.

— Агар уйлансам, биттаси болалар ётоқхонаси бўлади...

Бундай кошонада яшаш қайси бахтли қизга насиб этаркин? Наҳотки ўша мен бўлсам? Аммо Умиджон акам ҳеч севгидан, тўйдан гапирмайдилар-ку... Менга уйларини кўрсатишдан мақсад кўнглимни билиш эмасмикин? — деган хаёлларга борган Рашидани Умид бирдан кўтариб, хона ўртасидаги кенг диванга ётқизаркан, қиз қўрқиб кетди.

— Вой, нима қиялпсиз? қўйворинг, — дея шошиб ўрнидан турмоқчи бўларди у.

— Қўрқманг, ҳазиллашдим... — деганча йигит уни туришга қўймай бағрига олди.

Шу пайт булбул сайрагандек бўлиб, дарвоза қўнғироғи эшитилди.

— Синглим келди чоғи, — деб ўрнидан турди Умид. — Сиз тез ошхонага кириб туринг!

Рашида хижолатдан қизариб, кийимларини тўғрилади-да, чопқиллаб ошхонага тушди.

— Э Худо, расво бўлдим. Мени кўриб қолса нима бўлади? — деган ваҳимали хаёлдан титрарди қиз. Хайрият, бахтига у машғулотдан кейин тўғри душга кирар экан.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2307> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2307> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2307>